



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУГУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ

Aзимов Рустам Садикович,

“Ўзбекинвест экспорт-импорт сугурта компанияси” АЖ Бош директори, и.ф.н.

Арифходжаева Ирода Салахутдиновна,

“Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ, Департамент раҳбари Email: n_irodahon@mail.ru, Orcid: 0009-0006-9416-8462

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL PROBLEMS OF THE DEVELOPMENT OF INSURANCE IN UZBEKISTAN

Azimov Rustam Sadikovich,

Candidate of Economic Sciences, General Director of JSC “Uzbekinvest Export-Import Insurance Company”

Arifkhodjaeva Iroda Salakhutdinovna,

“Uzbekinvest” EISK JSC, Head of Department Email: n_irodahon@mail.ru, Orcid: 0009-0006-9416-8462

JEL Classification: G2, G52

Аннотация.

Ўзбекистон сугуртани ривожлантиришида модернизация қилинган иқтисодиётнинг асосий рисклари харитаси тузилиб, рискни аниқлаш (рискни идентификациялаш), рискни мақбул даражагача пасайтириш (рискни назорат қилиши), рискни бошқарииш учун маблаг ажератиш (рискни молиялаштириш), рискни миқдорий ва сифатий параметрларини аниқлаш (рискни баҳолаш) каби рискларни бошқаршишининг асосий жараёнлари тавсифи бўйича таҳлил амалга оширилди. Бундан ташқари, сугурталашга таклиф қилинадиган рискларни аниқлаш ва таҳлил қилиши жараёнларини профессионал тарзда амалга оширишида андеррайтинг сифатини ошириши масалалари бўйича илмий хуоса ва таклифлар шакллантирилди.

Abstract. In the development of insurance in Uzbekistan, a map of the main risks of the modernized economy was drawn up. Moreover, on the basis of risk

identification (risk identification), risk reduction to an acceptable level (risk control), allocation of funds for risk management (risk financing), determination of quantitative and qualitative parameters of risk (risk assessment) analysis was performed. In addition, scientific conclusions and proposals were formed on the issues of improving the quality of underwriting in the professional implementation of the processes of identification and analysis of risks offered to insurance.

Калим сўзлар. Сугурта, риск, андеррайтинг, сугурта экспертизаси, комплаенс риск, рискларни бошқарииш, сугурта бозори

Key words. Insurance, risk, underwriting, insurance expertise, compliance risk, risk management, insurance market

Кириш. Дунёда иқтисодиётнинг глобаллашуви иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг асосий тоифалари ва тамойиллари, тизимларининг ўзгаришига,

ушбу муносабатларнинг алоҳида субъектларининг роли ва аҳамиятининг қайта тақсимланишига олиб келади. Бугунги кунда суғурта рискларни бошқаришнинг асосий шаклларидан бири бўлиб, замонавий иқтисодиётда мураккаблашиб, ўсиш тенденциясига эга. Маълумотларга кўра, «... Осиё охирги 20 йил ичидаги энг кўп оғатларга учраган (3068), ундан кейин Америка (1756) ва Африкада (1192), ўртача кунига бир марта табиий оғат бўлган, бу кунига тахминан 115 ўлимга ва кунига 202 миллион АҚШ доллари миқдорида заарга олиб келган. Бу жаҳон иқтисодиётига тахминан 2,97 триллион доллар»¹ га тушади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2030 йилга келиб, «...ҳалокатлар йилига қарийб 20 миллиард доллар заар келтириб, деярли 50 фоизга ошиши мумкин»². Шу боис ҳозирги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг рискларини бошқаришнинг суғурта механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, рискларни суғурталаш тизимини ўрганишдаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш, ўтказилган тадқиқотлар натижаларини чукурлаштириш ва тўлдириш имконини берувчи суғурта методологиясини ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё амалиётида рискларни суғурталаш методологияси, хусусан, жамиятнинг эволюцион ривожланишида ўзини-ўзи суғурталаш, ўзаро суғурталаш ва турли хил тижорат суғуртаси каби суғурта ҳимояси механизмларини илмий тадқиқ қилиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Пандемиядан кейинги даврларида жаҳон иқтисодиётидаги рўй берган туб ўзгаришлар рискларни суғурталаш схемаларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, уларни мавжуд

янги иқтисодий воқеликларга мослаштиришни талаб қилмоқда. Хусусан, суғуртанинг муқобил схемаларини шакллантириш, ҳар бир риск тури бўйича жаҳон миқёсида эҳтимолийлик даражасини аниқлаш, суғурта операцияларининг ўзаро боғлиқлиги ва универсаллигини акс эттирувчи тизимларни яратиш орқали суғурта самарадорлигини ошириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Материал ва метод. International Association of Insurance Supervisors ва The Geneva Association рискларни суғурталаш методологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижалар олинган, жумладан: суғуртанинг асосий принципларига мувофиқ иқлим ўзгариши билан боғлиқ рискларни суғурталовчилар томонидан очиб беришнинг зарурлиги асосланган [1,2].

Allianz Research ва Toulouse School of Economics тадқиқотларида суғурта саноатини барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун андеррайтингдан фаол фойдаланган ҳолда рискларни камайтириш муҳим ўрин тутиши аниқланган [3,4].

National Bureau of Economic Research ҳамда London School of Economics and Political Science уй хўжаликларини суғурталаш уларни молиялаштириш ҳажмини кўпайишига, бинобарин, рискларни самарали бошқаришга ижобий таъсир кўрсатиши асосланган [5,6].

Norwegian School of Economics томонидан давлат ва аҳолининг киберрисклар тўғрисида хабардорлиги ҳамда киберхужумларнинг содир бўлиши ўртасида ўзаро ижобий алоқани тавсифловчи иқтисодий модел ишлаб чиқилган [7].

¹ВООН назвали число погибших от стихийных бедствий за 20 лет. //https://ria.ru/20181010/1530343685.html.

²Изменение климата ежегодно будет обходиться мировой экономике в \$20 млрд, – ООН. //https://bykvu.com/.

Barselona School of Economics тадқиқотларига кўра, актуар жиҳатдан адолатли бўлмаган нархнаво шароитида рискка мойиллиги мавжуд бўлмаган ҳар қандай фуқаролар томонидан суғурта полисларини сотиб олиниши аниқланган [8].


Harvard Business School томонидан тизимли риск молия муассасасининг капитал етарли эмаслигига боғлиқ эканлиги тўғрисида қоида ишлаб чиқилган хамда келажакда амалга ошириладиган суғурта тўловлари қийматининг ноаниклиги пай ва акцияларга боғланган ҳаёт суғуртасининг мухим хусусиятини ташкил этиши аниқланган [9].

Хозирги вақтда жаҳонда рискларни суғурталаш методологиясини такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги йўналишларда қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда: суғурта хизматлари турлари бўйича тариф ставкаларини белгилашда актуар ташкилотларнинг ролини ошириш; соҳани рақамлаштириш нуқтаи назаридан рискларни суғурталаш методологиясини такомиллаштириш; киберрискларни суғурталаш мақсадида ахборотлар қийматини баҳолашнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш; ҳар қандай молиявий-иктисодий инқироз шароитида

суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган Solvency II принципларини босқичма-босқич суғурта компаниялари фаолияти амалиётига татбиқ этиш; суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг самарали ишлайдиган тизимини яратиш мухим масалалардан ҳисобланади. Мақолада таҳлил усуллари, синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий ва математик моделлаштириш, ўзаро таҳлил, илмий абстракция ва бошқалардан фойдаланилган.

Натижалар.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик омили сифатида суғурта салоҳиятидан фойдаланиш муаммолари ва истиқболлари ойдинлаштирилган. Ўзбекистон иқтисодиётини кенг кўламли модернизация қилиш ва самарали бозор иқтисодиётини шакллантириш билан бир вақтда жисмоний ва юридик шахсларнинг рисклар мухити ўзгармоқда, у янада мураккаблашиб, янги рисклар пайдо бўлмоқда, уларнинг мавжуд рисклар билан ўзаро таъсири натижасида рисклар амалга ошганда оқибатларининг жиддийлиги ортади.



1- расм. Модернизация қилинган иқтисодиётнинг асосий рисклари харитаси³

³ Муаллиф томонидан тузилган.

Модернизация қилинаётган иқтисодиётнинг рисклари нихоятда хилма-хил бўлиб, соғ рисклардан бошланиб, то спекулятив рискларгача қамраб олинган (1-расм). Шу ўринда, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида жисмоний ва юридик шахслар учун рискларни бошқаришни ташкил этишга ёндашувлар тубдан ўзгармоқда.

Шу билан бирга, биз ишчи гипотеза сифатида, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида жисмоний ва юридик шахслар учун рискларни бошқариш тизимининг самарадорлиги кўп жихатдан рискларни аниқлаш ва таҳлил қилиш босқичининг сифати ва тўлиқлиги билан



2-расм. Рискларни бошқаришнинг асосий жараёнлари⁴

Рискларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг асосий мақсади тадбиркорликка, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларига, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги муносабатлар жараёнида юзага келадиган мажбуриятларга, учинчи шахсларнинг ҳукуқларига, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи рисклар ва б. тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришdir. Рискларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг энг профессионал ва малакали жараёни суғуртага олаётганда рискларни бошқариш усули билан амалга оширилади, чунки суғурталовчи

белгиланади, жисмоний ва юридик шахсларнинг рискларини бошқаришнинг афзалроқ услуги, олдиндан белгиланган усувлар бўйича тайёрланган шахслар томонидан профессионал даражада амалга оширилади, деб қабул қиласиз. Юридик ва жисмоний шахслар учун рискларни бошқариш тизимининг элементи сифатида суғуртанинг ривожланиши рискларни бошқаришда юзага келадиган асосий жараёнларнинг хусусиятлари билан белгиланади (2-расм). Бунда ушбу жараёнлар бири-биридан келиб чиқади, улар аниқ иерархик тартиб ва фарқланишга эга эмас, улар кучли ўзаро таъсир билан тавсифланади.

Рискни миқдорий ва сифатий параметрларини аниқлаш (рискни баҳолаш)

Рискни мақбул даражагача пасайтириш (рискни назорат қилиш)

бизнесининг самарадорлиги шу билан боғлиқ

Юқоридагиларнинг барчаси суғурта қилиш имконияти ва шартларини аниқлаш учун суғурталашга таклиф қилинадиган рискларни аниқлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини профессионал тарзда амалга ошириш - андеррайтинг сифатини ошириш зарурлигини талаб этади. Иқтисодиётни модернизация қилиш босқичида суғурта соҳасидаги андеррайтингни асосий функциялари суғурта бизнесининг даромадли соҳаларини аниқлаш ва янги рисклар ёки риск гуруҳларини кўриб чиқиб, уларни индивидуал шартларда суғурталаш

⁴ Муаллиф томонидан тузилган.



мақсадида имкониятларни аниқлаш ҳисобланади.

Бизнингча, андеррайтингнинг биринчи функцияси суғурталовчи фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича асосий суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва суғурталовчининг асосий суғурта шартномаларини тузиш ва бажаришда иштирок этувчи ходимларини ўқитиши ҳамда рискни доимий назорат қилиш орқали амалга оширилади. Андеррайтингнинг иккинчи функцияси - бу янги рискларни професионал суғурта экспертизасидан ўтказиш, суғуртанинг тамойилларидан келиб чиқиб, суғурталаш имкониятларини ва суғурта шартномасининг мақбул шартларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш босқичида жисмоний ва юридик шахслар учун хавфларни бошқаришнинг самарали усули сифатида суғуртадан фойдаланиш учун суғурталовчининг ўзидан рискларни бошқаришнинг тегишли сифати, яъни тўлов қобилиятини ва комплаенс рискларини бошқариш талаб этилади. Суғуртада комплаенс рискларини бошқаришнинг асосий функцияси тартибни сақлашдир, яъни суғурта компанияси ва унинг ходимлари томонидан амалдаги қонун хужжатларида ўрнатилган меъёрларга риоя этилишини таъминлаш. Суғуртада комплаенс рискларни бошқаришнинг мақсади - муайян меъёрлар ва қоидаларнинг бузилиши натижасида суғурта компанияси учун юзага келиши мумкин бўлган риск ва йўқотишларнинг олдини олиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, тўлов қобилияти рисклари бевосита суғурталовчи томонидан бошқарилиши мумкин, комплаенс рисклари эса юридик ва жисмоний шахсларнинг рискларини бошқариш тизимининг элементи сифатида

суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизимининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари билан белгиланади.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизимининг юридик ва жисмоний шахсларнинг рискларини бошқариш тизимининг элементи сифатида унинг иштирокчилари учун мажбурий бўлган қоидалар, меъёрлар ва стандартларни қонунчиликда ўрнатиш, суғурта фаолиятини лицензиялаш, суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти меъёрларини белгилаш амалиётининг замонавий ҳолати таҳлил этилган. Бу суғурта бизнеси соҳасидаги фуқаролик, маъмурий, давлат, молиявий ва халқаро хуқуқнинг асосий меъёрларини шакллантириш ва маҳаллий суғурталовчилар учун комплаенс рисклари (мувофиқлик рисклари) манбаларини аниқлаш имконини берди.

Бизнинг тадқиқотимизда ишчи гипотеза сифатида маҳаллий суғурта бозори мамлакат молия бозори учун тармоқ бозори сифатида технологик, ахборот, иқтисодий ва бошқарув соҳаларида ўзаро ҳамкорлик қилувчи суғурта фаолиятининг професионал иштирокчилари йиғиндиси ҳақидаги тезис қабул қилинди. Шу билан бирга, суғурта бозори эндоген эволюцион ривожланиш жараёнида, унинг ҳаракатлантирувчи омили ўзига хос ички муаммолари, жараёнлари ва қарама-қаршиликлари бўлиб, уни динамик ривожланиш жараёнида бўлган тизим сифатида тадқиқот қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Суғурта бозори иқтисодий ўсиш ва ривожланишга кўмаклашади, унинг ҳолати, тузилиши, кўлами ва бажараётган функцияларининг хилма-хиллиги, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, унинг



институтлари сифати ва ишбилиармонлик муҳитининг яхшиланишига хизмат қиласи.

Жисмоний ва юридик шахслар учун суғуртадан рискларни бошқариш элементи сифатида фойдаланишга тўсқинлик қилаётган маҳаллий суғурта бозорининг асосий муаммолари қаторига қуидагилар киради: хусусий ва кичик бизнес вакиллари, шунингдек, аҳоли ўртасида суғурта маданиятининг даражаси пастлиги (бу ҳолда суғурта маданияти деганда суғурта учун кетган молиявий харажатларни мақсадга мувофиқ ва керакли эканлигини онгли равишда идрок этишни англатади); аҳолини суғурта билан қамраб олишнинг даражаси пастлиги (ихтиёрий турлар бўйича чакана сотувларнинг ниҳоятда кичик ҳажми); мажбурий суғурта турларининг ривожланмаганлиги; аксарият суғурта компанияларининг заиф капиталлашуви; ҳаёт суғуртасининг етарли даражада ривожланмаганлиги; юридик ва жисмоний шахсларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини акс эттирумайдиган, амалда таклиф этилаётган суғурта хизматларининг турлари чекланганлиги; яхши капиталлаштирилган йирик, миллий қайта суғурта компаниясининг йўқлиги; ўзаро суғуртанинг йўқлиги; суғурта фаолиятини, айниқса, мажбуриятлар ва захиралар нисбати меъёри масалаларида давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишининг етарли даражада эмаслиги; Ўзбекистон суғурта бозори иштирокчиларининг ўз-ўзини тартибга солувчи, замонавий, самарали фаолият юритувчи ташкилотининг амалда йўқлиги.

Ўзбекистон суғурта бозорини экстрактив ва ривожланган давлатларга етиб олиш тараққиёт стратегияси мамлакатда суғурта бизнесининг институционал асосларини яратиш имконини берди, лекин у билан боғлиқ

умидларни тўлиқ оқлай олмади: асосий макроиктисодий кўрсаткичларга кўра, маҳаллий суғурта бозори нафақат иқтисодий ривожланган мамлакатлардан, балки ривожланаётган мамлакатлардан ҳам сезиларли даражада орқада; суғуртанинг рискларни бошқариш тизимининг элементи сифатидаги ҳолати Ўзбекистон суғурта бозорини иштирокчилари сони нисбатан кўп ва суғурта мукофотлари ставкасининг даражаси пастлиги билан тавсифланадиган «юмшок» суғурта бозорлари сирасига киритиш имконини беради; мамлакатда суғурта маданияти даражаси паст, аҳоли суғуртадан четда, унинг суғурта эҳтиёжлари асосан шериклик асосида нотижорат ўзаро суғурта орқали қондирилади.

Жисмоний ва юридик шахслар учун рискларни бошқариш тизимининг элементи сифатида суғуртадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун: Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, миллий суғурта модели асосида маҳаллий суғурта бозорини инклузив ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши; маҳаллий суғурталовчиларнинг умуман молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятига, хусусан, устав капитали миқдорига қўйиладиган талабларни ошириш; маҳаллий компанияларда андеррайтингни тубдан яхшилаш; маҳаллий суғурта бизнесини жадал рақамлаштириш учун шарт-шароитларни яратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хуносা. Бизнинг фикримизча, юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши: жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишининг суғурта механизмларини ривожлантириш учун долзарб бўлган вазифалар ечимни таъминлашга, суғурта соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тизимларини



мустаҳкамлашга; давлат, корхоналар ва аҳолини модернизация қилинаётган иқтисодиётнинг турли ризк гурухлари рўй бериши оқибатларидан ҳимоя даражасини оширишга ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг рискларини бошқариш учун реал таклиф этилаётган суғурта маҳсулотларининг миқдори ва сифатини оширишга; умуман маҳаллий суғурта бозорининг, хусусан, алоҳида суғурталовчиларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга; ҳаёт суғуртасини ва шунга мос равишда модернизация қилинаётганган иқтисодиёт шароитида жисмоний шахсларнинг рискларини бошқаришнинг суғурта механизmlарини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратишга; аҳоли, корхоналар ва давлатнинг мулкий манфаатларини суғурта ҳимоясининг ҳуқуқий тизимини яратишга ва янада ривожлантиришни таъминлашга имкон беради.

Ҳозирги ривожланиш босқичида ташқи иқтисодий фаолият рискларини, шу жумладан инвестиция лойиҳаларининг ўсаётган ҳажмини суғурталаш, ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг зарурий қисмидир. Бу ташқи иқтисодий алоқалардаги шерикларни уларнинг фаолияти давомида юзага келадиган йўқотишлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Ташқи иқтисодий фаолиятда суғурталаш ташқи савдонинг ва инвестициянинг асосий элементларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш, ташиш ва

маҳсулотдан фойдаланиш жараёнида зарар ва йўқотишларни тезда қоплашнинг энг қулай воситасига айланиб бормоқда.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталашни тартибга солиш соҳасида ҳуқуқий тизимнинг етарлича самарали асослари мавжуд бўлиб, улар орасида умумий фуқаролик қонунчилиги, ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, маҳсус суғурта қонунчилиги ҳамда ташқи иқтисодий фаолият рискларини суғурталаш соҳасида қонун ости ва идоравий меъёрий ҳужжатлар мажмуи мавжуд. Албатта, республикада ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталашни самарали тартибга солишни таъминлаш учун амалдаги қонунчилик тизимини янада ривожлантириш уни мунтазам равишда ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталашнинг турли жиҳатларини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш бўйича доимий тизимли ишларни олиб бориш зарурати билан боғлиқ. Ташқи иқтисодий фаолият рискларини суғурталаш экспорт операциялари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, бунинг учун маҳаллий суғурталовчилар нафақат у ёки бу суғурта маҳсулотини, балки тегишли хизматларнинг тўлиқ комплексини таклиф қилишлари лозим, мижозда эса энг мақбул вариантни танлаш имконияти бўлиши керак.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛА РЎЙХАТИ:

1. Association of Insurance Supervisors, //www.iaisweb.org/ uploads/2022/01/210930-GIMAR-special-topic-edition-climate-change.pdf.
2. The Geneva Association https://www.genevaassociation.org/sites/default/files/research-topics-document-type/pdf_public/climate_litigation_04-07-2021.pdf;



-
3. Allianz Research, https://www.allianz.com/content/dam/onemarketing/azcom/Allianz_com/economic-research/publications/specials/en/2022/may/ Global-Insurance-Report-2022.pdf;
4. Toulouse School of Economics, <https://www.tse-fr.eu/articles/analysis-systemic-risk-insurance-industry>;
5. National Bureau of Economic Research <https://www.nber.org/papers/w22293>;
6. London School of Economics and Political Science, https://info.lse.ac.uk/staff/research-centres-and-groups?utm_source=Research+centres&utm_medium=Homepage+mega+menu&utm_campaign=LSE+Homepage;
7. Norwegian School of Economics, <https://www.nhh.no/en/employees/faculty/knut-kristian-aase/#tab2>;
8. Barcelona School of Economics, <https://bse.eu/research/working-papers/study-interaction-insurance-and-financial-markets-efficiency-and-full.>;
9. Harvard Business School <https://www.hbs.edu/faculty/Pages/item.aspx?num=56473>;